



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 21-avgust №34 (4329)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» Х ХАЛҚАРО МУСИҚА
ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛИШ АРАФАСИДА

РЕГИСТОНДА ЖАҲОН НАВОЛАРИ



Бугун Самарқандга борган киши бу қадим ва ҳамisha навқирон шаҳарнинг хусни тароватидан лол қолиши, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб, ақли шошиб, ҳаяжонга тушиши аниқ. Самарқанд нафақат ўтмишда, балки мустақиллик йилларида яшариб, яшнаб, яна рўйи замин сайқалига айланди.

Самарқанд кўчаларини кезсангиз, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами ва ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига кенг кўламли тайёргарлик кўриладиганининг гувоҳи бўласиз. Бу икки байрам бир-бири билан моҳиятан чамбарчас боғлиқ, албатта. Зеро, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали мустақиллик яратган имкониятлар туфайли ташкил этилган.

Хўш, бу галги фестивалга қандай тайёргарлик кўрилмоқда, унинг олдинги фестиваллардан фарқи нимада, қанча мамлакатдан вакиллар келиши кутилмоқда? Шу каби саволлар билан «Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивали Матбуот хизмати раҳбари Сафар ОСТОНОВга мурожаат қилдик.

5

ДАЛАЛАР ҲАВАСИ

Жиззах — Тошкент йўналишидаги катта трассада елиб кетаётган машинада атрофни кузатиш мароқли. Гарчи қуёш ётоғига бош қўйиш учун манзили томон шошаётган бўлса-да, далаю боғларда иш қизғин. Кимдир биллурдек ялтираётган узум бошларини қутиларга жойламоқда, яна кимдир кучоққа сиғмайдиган тилёра қовунларни уловларга юкламоқда.

— Бу йил қовун-тарвуз, узум мўл бўлди. Қаёққа қараманг, қовун-тарвуз, узум савдоси авжида, — деди йўлдан кўз узмай кетаётган хайдовчи. Шунда ҳамроҳларимиздан бири: — Вой, пахта очилибди, лўппилигини қаранг, — деб қолди.

Дарҳақиқат, йўлга яқин пахтазорда оппоқ

бўлиб очилиб ётган пахталар киши эътиборини тортмай қолмасди.

— Ҳа, ҳозир айни пахта пишиб етиладиган давр, — деди хайдовчи йигит, — отамнинг бутун умри пахтанинг ичида ўтди. Менинг ҳам ози кўпми, пахта етиштиришдан хабарим бор. Ҳозир август ойи бўлганнинг ҳосил тўплаш даврида сугоришда хато қилиш мутлақо мумкин эмас, акс ҳолда кўсақлар очилмай қолади. Ёзуз парваришида агротехник тадбирларнинг аҳамияти катта. Айниқса, сувни қониб ичган, озикқа тўйган ёзузлар кўсагидаги пахта ва чигит вазни ортади.

Хайдовчи йигитнинг бу гапи ҳаммамиз учун янгилик эди. Озроқ тин олиш учун айнан пахталар ғўж-ғўж очилиб турган жойга тўхтадик. Ариқ бошида ёзузларга сув тараётган деҳқон бизга пешвоз чиқди. Иسمи Илҳомжон экан.

— Бугунги давр билан ота-боболаримиз деҳқончилик қилган пайтларни солиштириб бўлмайди, — деди ҳамсуҳбатимиз. — Кундан-кунга пахтаимизга талаб ортиб бораётган бир пайтда фақат режани эмас, балки пахтанинг сифатини, вақтида йиғиб-териб олишни ҳам ўйлашга тўғри келади. Масалан, ёзузнинг баргини тўкиш ўз муддатида ва сифатли ўтказилса, пахта октябр ойидаёқ йиғиб-териб олинади. Дефолиантларнинг таъсир этиш самарадорлиги ёзуз навларининг биологик ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Тезпишар навлар ўрта ва кечпишар ингишча тонали навларга нисбатан таъсирчан бўлади. Дефолиация пайтида тупроқ-



Ўрта Чирчиқ туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари Тешабой ака Мирзакаримовнинг ерга меҳри бўлакча.

Даврон АХМЕДОВ олган сурат.

САМАРҚАНД

Ватанга — жамоли жаҳон орони
Бергувчи фарзандлар бешиги бу ер.
Оламга билимнинг аниқ юзини
Бениқоб кўрсатган эшиги бу ер.

нинг мақбул намлиги ҳам ғўза барглари-
нинг тўкилишини тезлаштиради.

Оддийгина бўлиб кўринган деҳқон йигит-
нинг ғўза парвариши ҳақида шунча нарсани
билиши бизни ҳайратлантирди.

Ахир мустақиллиқнинг илк йилларидаёқ
пахта етиштириш, уни сифатли сақлаш,
қайта ишлаш ва харидорларга етказиб бе-
риш борасида ўзига хос тизим яратилган
бежиз эмас экан-да. Бугун харидорларга
сифатли пахта толаси тақдим этиш учун


Эл обод — дил обод

ғўзанинг истиқболли навларини яратиш се-
лекциячи олимлар олдидаги долзарб ма-
салага айланган. Қувонарлиси, олимлари-
миз томонидан юздан ортик янги нав яра-
тилиб, уларнинг ўттизга яқини давлат
рўйхатида киритилган.

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон пахтасини
экспорт қилиш географияси анча кенгай-
ди. Бир пайтлар фақатгина Европа давлат-
лари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган эди.
Эндиликда улар сафига Бангладеш, Хитой
ва Жануби Шарқий Осиёнинг бошқа мам-
лакатлари ҳам қўшилди. Бугунга келиб,
Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича ол-
тинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса бе-
шинчи ўринни эгаллади. Бу жиҳатлар юр-
тимиз нафақат юқори сифатли саноатбop
пахта етиштирувчи мамлакат, балки пах-
та толасини ва унинг маҳсулотларини ка-
фолатли етказиб берувчи ишончли ҳам-
кор сифатида ҳам доврўқ қозонаётганидан
далолатдир.

Юртимиз пахтаси ҳақида ўтган йили
катнашганим Х халқаро пахта ва тўқима-
чилик ярмаркасидан олган таассуротла-
римни ўйлаб кетарканман, қуёш аллақач-
он уфққа бош қўйган эди. Августнинг
сўлим оқшоми бошланди. Юзингизга ури-
лаётган муздек майин шабада, чигиртка-
ларнинг чириллаши бир зум ором олмаққа
ундайди. Қоронғилик қоплаган далаю даш-
тни кузатарканман, эртага бобоқуёш яна
заррин нурларини пахта далалари узра
сочишини, бу йил ҳам бободехқон хирмо-
ни юксак кўтарилишини ўйлаб кўнглимга
ёруғлик инади.

Б.СУЛТОНОВА



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ўзбекистоним, севикли юртим!

Сен барибир қад кўтардинг, шаҳар
қишлоқларинг қайтадан бунёд бўлди,
хуснига хусн қўшилди. Элимиз, еримиз
донгини жаҳонга таратган йигит-қизла-
ринг сени қафларига кўтардилар... Сен
яна яшнаб кетасан, сени бўстонга ай-
лантираётган халқинг ҳеч кам бўлмай-
ди. Сен давр сурайдиган замон келди.
Шу замонни, мустақил ҳаёт заминини
қураётганларга мен чин юракдан зафар,
омад тилайман. Насиб этса, оз бўлса ҳам,
уларга қўлимдан келганча ёрдам бера-
ман. Худо ўзи ёр бўлсин сенга!

(“Қизимга мактублар” дан, 1992 йил)

3

ШЕЪРИЯТ: БУГУН ВА ЭРТАГА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Шеърят: бугун, эртага” деб номланган, мустақиллик
даври шеърят муаммоларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ёзувчилар уюш-
маси Шеърят кенгаши аъзолари, шоирлар, адабиётшунослар, адабиёт мухлислари ишти-
рок этди. Кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир давра суҳбатини олиб борди.
Шеърят кенгаши аъзолари Муҳиддин Омон, Ҳумоюн Мирзо, Ойгул Суяндиқова,
адабиётшунос олимлар Нўмонжон Раҳимжонов, Нурбой Жабборов ва бошқалар мус-
тақиллик даври шеърятининг асосий хусусиятлари, етакчи тамойиллари ҳақида га-
пирдилар. Давра суҳбатини Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али кириш сўзи
билан очиб беракан, жумладан, шундай деди:

— Дарҳақиқат, Истиқлол даври шеърят-
ида озодлик самараларининг замондош
тафаккури ва руҳиятига кўрсатган ва кўрс-
таётган таъсири акс этаётди, ҳаётдаги,
юртдошларимиз онги ва қалбдаги ўзгариш
ҳамда янгилинишлар му-
носиб тарзда бадиий
ифодасини топаётди.

Айни пайтда, адабий
жараёни кузатганда мамлакатимизда
амалга оширилаётган ислохотлар, буюк
ўзгаришлар ҳақида қандай янги асарлар
яратилмоқда, ижодкорлар ўзларининг бурч
ва масъулиятларини қай даражада адо
этаётди, деган саволлар тугилиши ҳам та-
биий. Бугун кескин, долзарб муаммолар-
ни тез илғашда, ташаббускорлик, ижодий
ҳозиржавоблик бобида ҳам сусткашликка
йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, ёшлар тар-
бияси энг муҳим масалалардан биридир.
Зеро, жаҳонда рўй бераётган геополитик
жараёнларга, бу жараёнларнинг ёшлари-
миз онгу шуурига таъсирини бефарқ

бўлмаслигимиз, мафкуравий хуружлардан
ёшларимизни ҳимоя қилишимиз керак. Бу
борада ёзувчининг, шоирнинг ҳароратли
сўзи, ёниқ сатрлари ҳар қачонгиданда зар-
ур ва аҳамиятлidir.


Президентимизнинг
“Юксак маънавият — ен-
гилмас куч” китобида
баён қилинган ғоялар,
фикрлар барчамизни огоҳликка ундайди.
Оғир оқибатларга олиб келиши мумкин
бўлган мафкуравий жараёнлардан огоҳ
бўлишимиз зарур. Истиқлол мавзуси ҳаёт-
нинг ўзида бўлганидек бадиий адабиёт-
да ҳам катта масъулиятни, муаммога ни-
ҳоятда жиддий ёндашишни талаб этади.

(Давра суҳбатига иштирок этган
ижодкорлар ва адабиётшуносларнинг
фикр-мулоҳазалари билан газетамиз-
нинг тўртинчи саҳифасида таниша-
сиз.)

4



Самарқанд шукуҳи



Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
ЯНГИЛИКЛАРИ

Гарсиа Маркес мероси

Associated Press агентлиги хабар беришича, 2014 йил 17 апрелда 87 ёшида вафот этган колумбиялик буюк адиб, Нобел мукофоти лауреати Габриэл Гарсиа Маркеснинг хокини Мексикадан Колумбияга кўчиришга қарор қилинди. Колумбиядаги Боливар штати раҳбарияти ва Г.Маркес оиласининг ўзаро қелишувига биноан адибнинг доимий мақбараси Картахеннинг тарихий марказидаги монастырдан жой олади. Адиб ижодига доир кўплаб муҳим воқеалар ҳам айнан ушбу шаҳар билан боғлиқ бўлиб, машҳур асарларидан бири — “Вабо тарқалган вақтдаги севги” романи воқеалари шу жойда кечади. Г.Маркеснинг соҳилбўйида жойлашган уйи ҳам илгаригидек унинг оиласи ихтиёридадир.

Г.Маркес ҳаёти ва ижоди акс этган ноёб архиви АҚШнинг Техас университети гуманитар тадқиқотлар маркази сотиб олди. Адиб оиласи томонидан сотувга қўйилган мазкур архивда Г.Маркеснинг ярим асрдан кўпроқ даврни қамраган ижодий ҳаётига доир ўнлаб асарлар қўлёмаси, шу жумладан, машҳур “Танҳоликнинг юз йили” романининг илк нусхалари, икки мингдан зиёд мактублар, мексикалик адиб Карлос Фуэнтос ҳамда британиялик ёзувчи ва разведкачи Грэм Грин билан ёзишмалар мавжуд. Бундан ташқари, адиб фойдаланган ёзув машиналари ва компьютерлар ҳам Техас университетига тақдим этилади.

Шунақаси ҳам бўлади

Мичиган штатидаги Brilliant Books китоб дўкони адиба Харпер Ли қаламига мансуб “Боргин, қоровул кўйгин” деб номланган янги китобнинг пулини уни сотиб олган харидорларга қайтариб бериш таклифи билан чиқмоқда, деб ёздаи The Guardian газетаси. Дўкон эгасининг айтишича, “Масхарабоз ўлими” романи давоми сифатида реклама қилинган ва узоқ вақт қутилган бу асар китобхонлар ишончини оқламаган. Асар воқеалари “Масхарабоз ўлими”дан сўнг давом этганига қарамай, ундан аввал ёзилган боис кўпгина номутаносибликлар сезилиб қолган. Шунга қўра, у аввалги романининг муносиб даражада давоми бўла олган ва норозилик тугдирган. Китобхонлар асарни дўконларга қайтаришмоқда.

1960 йили эълон қилинган “Масхарабоз ўлими” романи шу чоқча 40 миллион нусхада сотилган, Пулицер мукофоти билан тақдирланган. Норозиликка сабаб бўлаётган “Боргин, қоровул кўйгин” асари қўлёмасини орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб, ўқиб кўришга муваффақ бўлган Харпер Линнинг дўсти ва адвокати Соня Картер уни чоп этишга адибани кўндирган. Оқибат эса...

Тарихий романлар устаси

Тўрт романдан иборат “Жаллоднинг қизи” тетралогияси билан доврақ қозонган таниқли олим адиби Оливер Пётч “Қироллар қўргони. Нафрат” деб номланган икки қисмдан иборат янги асарини жаҳон адабиёти муҳлисларига ҳавола этди. Кўплаб тилларга ўгирилиб чоп этилаётган ушбу асарда адибнинг фавқулодда истеъдоди, бой фантазияси ҳамда тарихий материални яхши билиши намоён бўлган. Кенг қўламда қамраб олинган ўрта асрлар тарихий хроникаси де-татив ва триллер жанрлари уйғунлигида, тарихий роман услубида тасвир этилган асар муваффақиятини таъминлаган омил сифатида эътироф этилмоқда.

Оливер Пётч 1970 йили Мюнхенда туғилган. Кўп йиллар мобайнида шаҳараси тарихини ўрганиш билан шуғулланган. XVI-XIX асрларда Бавариянинг Шонгау шаҳрида умргузаронлик қилган адибнинг ажодлари ҳуқмдорлар қўлида жаллодлик қилган Куизлей сулоласига мансуб бўлиб, уларнинг фожий тақдир билан боғлиқ тарихий воқеалар асосида ёзилган Оливер Пётч романлари жаҳон қўлаидиги чинакам шов-шувга айланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Абдурахмон АКБАРОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Ёқубжон АХМАДЖОНОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Файзи ШОХИСМОИЛНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

“ТАФАККУР”
2015 йил, 3-сон

“Нима дейсиз, замондош?” руқни билан бошланган илк саҳифаларда ёзувчи А.Йўлдошев ва журналист С.Ёқубовнинг “Мўъжизани ким яратади?” сарлавҳали суҳбати берилган. Унда миллий тафаккур ва миллий тилни яхлит тушунча сифатида идрок этиш эҳтиёжи, одамларнинг онг ва дунёқарабини ўзгариши, интеллектуал салоҳият асри тақозо этаётган маънавий мезонлар ҳамда кашфиёт ва мўъжиза яратишга қодир шахсга айлана билмоқлик зарурати ҳақида фикр юритилади. Султонмурод Олимнинг “Янги марралар масъулияти”, Абдурахим Эркаевнинг “Сиёсий ва ҳуқуқий тарбия”, Муҳиддин Раҳимнинг “Хос ва авом адабиёти”, Абдулла Шернинг “Улуғворлик не? Тубанликчи?” каби маънавий муаммоларга бағишланган мақолалари ҳам ўқувчиларни мушоҳадага қорлаши, шубҳасиз. Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоирнинг туркум шеърлари, Ҳалима Аҳмадининг “Эзоп билан суҳбат”, “Йўл” номли бадиалари ушбу сон мундарижасини бойитган.


“Тафаккур” муҳлислари “Наср жаҳоҳирлари” руқнида буюк адиб Лев Толстойнинг “Мен қандай қилиб жинни бўлдим” ҳикоясини таниқли адабиётшунос олим ва

моҳир мутаржим Иброҳим Ғафуров таржима-сида ўқидилар. “Лев Толстой шахсан ўзига, ҳаётига ўта жиддий маънавий-ахлоқий талаблар билан қараган ва ёндашган, умрининг охиригача ҳаёти ва ижодида ўзи қатъиян бўйсунгани лозим бўлган қоидаларни дафтар-қун-

Журналларни варақлаганда

даликлари қайд этиб, уларни қандай бажарётгани, уларга қандай риоя қилаётганини муттасил таҳлил этиб борган... Уларда Толстой ўзини қандай меҳнат билан Толстой қилиб яратгани ўқувчи кўз ўнгига намоён бўлади. Бу — идроки тирик, юраги ва ҳиссиётлари бедор Толстой...”, деб ёздаи И.Ғафуров сўзбошида.

А.Холмирзаевнинг “Тақдирдаги тақбирлар” руқни остида эълон қилинган мақола-сида XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларига доир тарихий воқеалар манбалар асосида таҳлил этилади. Ички муқоваларда таниқли режиссёр Б.Йўлдошевнинг ҳаёт ва ижод, театр санъатига доир кузатишларидан иқтибослар ҳамда мусаввир М.Ғозилдиннинг “Ризқ улашувчи замин” асари билан танишасиз. “Ҳазина”, “Сирли сарҳадлар”, “Санъат фалсафаси”, “Жавондаги жаҳоҳир”, “Талкин ва тадқиқотлар”, “Тафаккур табассуми” руқнларида ҳам ўқишли мақолалар берилган.

МЕҲР ҚОЛУР,
МУҲАББАТ ҚОЛУР

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият қарвон саройида таниқли ёзувчи Нодир Норматовнинг “Меҳр қолур, муҳаббат қолур...” номли фото кўргазмаси очилди. “Кексаларни эъозлаш йили”га бағишланган экспозициядан пиру бадавлат отахонлару онахонларнинг тинч-осуда ҳаёти, табиатнинг ноёб мўъжизалари, турли миллий қадриятлар акс этган суратлар ўрин олган. Айниқса, портретлардаги замондош қарияларнинг шод-хуррам, самимий чехралари томошабинларда қизиқиш уйғотди. Мазкур суратларда авлодлар давомийлигини турли маросим ва тантаналарда дўстларнинг самимий мулоқотларини,

она юрт манзаралари билан муштарак

Нигоҳ

ҳаётий лавҳаларни кўриш мароқли. Шунингдек, кўргазма доирасида Н. Норматов сценарийси асосида суратга олинган ҳужжатли филм намойиш этилди. Режиссёр Наима Пулатова суратга олган мазкур филм Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшган мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг ҳаёти ва ижодий йўли, улкан мероси ҳақида ҳикоя қилади.

Дилафрўз КОДИРОВА



БОБОЛАРДА ҲИКМАТ КЎП

Таниқли рассом Тўра Курёзов ижоди билан анчадан буён қизиқиб келаман. Айниқса, тарихий “Севинбека” портретини ишлаганини эшитганимдан сўнг ижодкорнинг ишларига қизиқишим янада ортди.

Яқинда моҳир рассом билан тасодифан учрашиб қолиб, қисқача суҳбатлашишга мушарраф бўлдим. Мустақиллик байрами арафасида Хоразмда устознинг кўргазмаси ташкил қилинаётганини эшитиб, шу кунгача қаерларда шахсий кўргазмалари ўтказилгани билан қизикдим.

— Республикаимизнинг барча вилоятларида, Тошкентдаги Қуролли қўчлар музейида ва Ҳиндистон маданият марказида, Қозоғистонда шахсий кўргазмаларини ташкил қилганман, — деди Тўра Курёзов. — 1987 йили Ҳиндистонда ижодий сафарда бўлдим. Ижодий ишларим Хитой, Франция, Италия, Россия, Малайзия, Туркия, АҚШ каби давлатлардаги шахсий галерейалардан ўрин олган. Хоразмда кўргазма ўтказаятганимнинг сабаби шундаки, бу ўлканинг табиати жуда нафис, рангларга бой. Хиванинг бетакор меъморий обидаларини айтмайсизми... Булар ҳар қандай ижодкорга илҳом бағишлайди. Кўп асарларим ана шу азим гўша билан боғлиқ.

— Тўра ака, албатта, ютуқларингизда устозларингиз ҳиссалари бор. Шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Мен тасвирий санъатнинг импрессионизм йўналишида ижод қиламан. Устозим Игорь Витальевич Савицкий ҳам шу йўналишда ижод қилган. Бу одамдан тасвирий санъат билан боғлиқ жуда кўп нарсаларни ўргандим. Қорақалпоғистонлик машҳур ижодкор Заррин Индулис Август устaxonасида уч йил ишладим. Унинг йўналиши бошқа, албатта. Лекин амалий жиҳатдан яхшигина сабоқ олдим. Неъмат Қўзибоев, Раҳим Аҳмедов каби катта рассомлар билан мулоқотларим, ижодий суҳбатларим ҳаётим ва ижодимда ҳамон асқотиб келади. Умуман, ҳар қандай



ижодкор учун устоз маслаҳати, кўмаги жуда зарур. Устозлардан иложи борица кўпроқ ўрганиш, бамаслаҳат иш қилиш зарур. Зеро, устоз-шогирд аъна-аниси шунчаки гап эмас.

— “Жалолиддин Мангуберди”, “Севинбека”, “Темурий маликалар”, “Бибиҳоним”, “Мумтозбегим”, “Феруз”, “Анахита” каби кўплаб тарихий асарлар муаллифисиз. Айтинг-чи, улуг сиймоларни тасвирлашда қандай тамойилларга амал қилиш лозим?

— Тарихга мурожаат қилаётган рассомнинг асосий бурчи — уни ҳаққоний акс эттириш. Қолаверса, тарихчи рас-сом бўлиш учун жуда кўп китоб ўқиш керак. Масалан, биргина Жалолиддин Мангуберди образини яратиш учун Шахобиддин Мухаммад ан-Насафийнинг “Султон Жалолиддин мангуберди ҳаёти тафсилоти” китобини ўқиганман. Китоб рус тилида бўлиб, у Озарбойжон олими Зиё Бунёдов таржимасида босилган. Бу китобни ўзбек тилига 1999 йили Камол Матёкубов таржима қилган. Бундан ташқа-

ри, улуг саркарда ҳақидаги бошқа манбаларни ҳам кўриб чиққанман. Йигирма йилдан ортқ Мангуберди портрети устида ўйладим. Сурат 1998 йили якунига етди.

Учрашув

— Урганч суратлар галереясида қандай асарларингиз намойиш этилади?

— Кўргазмага етмишга яқин асарим қўйилган. Улар орасида “Комилжон Отаниёзов”, “Тўмарис”, “Олмахон”, “Огаҳий”, “Шажарат ад-дур” каби портретлар бор. Дарвоқе, тарихий картиналаримдан бири “Шажарат ад-дур”нинг қаҳрамони ҳақида эшитганимиз? Ўзи хоразмлик, Миср маликаси бўлган, саккиз йил мобайнида Мисрда подшоҳлик қилган.

— Ҳозир қандай асар устида иш олиб бораёсиз? Режаларингиз қандай?

— Айни дамда улуг аллома Замаҳшарий портрети устидаги ишлар якунига етди. Охириги асарим мустақилликка бағишланган бўлиб, “Ҳосил байрами” деб номланган. Саксонга яқинлашиб қолган бўлсам ҳам ижоддан тўхтаганим йўқ. Ўйлаб қўйган режаларим кўп. Уларни амалга ошириш учун биринчи навбатда соғлиқ керак. Оллоҳ саломатлигини берса ҳали яна муҳлислар билан кўп учрашамиз.

Мунира РАМАЗОНОВА
суҳбатлашди

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилмиз:
info@uzas.uz, uzas@mc.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД

Тахриратга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.45

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан
руқсатга олинган. Адади — 4308 Буюртма S — 3724. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Танқитловлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИК

ISSN 2181-614X

